


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йил биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 935 нафар шахсга нисбатан 852 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Иш кўриш натижаларига кўра, 522 нафар (55,8 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир пайтда, 187 нафар (20 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилинган (*шундан 124 нафар (66,3 %) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган, 19 нафар (10,1 %) шахс МЖтКнинг 21-моддасига асосан жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилган, 44 нафар (23,5 %) шахсга нисбатан бошқа мазмундаги қарор қабул қилинган*), 226 нафар (24,2 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган.



Тафтиш инстанциясида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суд қарорлари деярли ярмининг ўзгартирилгани ёки бекор қилингани, айниқса 124 нафар (*жами кўрилган ишларга нисбатан 13,3 %*) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилгани қуйи судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришга юзаки ёндашаётганини кўрсатмоқда.

Суд қарорларининг бекор бўлиши ёки ўзгартирилишига асосан иш учун аҳамиятга молик барча ҳолатларни текшириш, мавжуд қарама-қаршилиқларни бартараф этиш чораларини кўрмаслик, келтирилган важларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо бермаслик, ишни тўғри ҳал этиш учун лозим бўлган барча меъёрий ҳужжатларни ўрганмаслик каби моддий ва процессуал қонун талабларининг бузилиши сабаб бўлган.

Бу борада айниқса, Олий суд тафтиш инстанциясида:

Навоий (30,8 %), Самарқанд (28 %), Фарғона (27,3 %), Тошкент (26,9 %), Сирдарё (26,7 %) вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (25 %) судлари томонидан апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Наманган (42,1 %), Андижон (36,1 %), Сирдарё (33,3 %), Сурхондарё (30,3 %) вилоят ҳамда Тошкент шаҳар (31,6 %) судлари томонидан апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган суд қарорларининг ўзгартирилиши Республика кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатган.

Бунинг натижасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан Олий суд тафтиш инстанциясига шикоят келтириш кўрсаткичи йил сайин ошиб бормоқда.

Хусусан, 2018 йилда Олий суд тафтиш (назорат) инстанциясига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларига нисбатан 190 та тафтиш (назорат) шикояти келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 880 та, 2022 йилда 1 416 та, 2023 йилда, 1 590 та, 2024 йилнинг биринчи ярмида эса 1 540 ни ташкил қилган.

Мазкур кўрсаткичлар қуйи судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйида тафтиш инстанцияси томонидан ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган суд қарорларига айрим мисоллар келтирилади:

**Қонуний талаби учун асоссиз маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга оид суд қарорлари бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 21 ноябрдаги қарорига кўра, Б. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 51-моддасининг 1-қисми билан, МЖТКнинг 33-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, яъни 3 300 000 сўм жаримага тортилган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 13 мартдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, Б. “Навоий вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация протезлаш маркази” раҳбари лавозимида ишлаб, пост ҳамшираларига беморлардан умумий қон таҳлили текширувлари учун қон намуналарини олиш иш юкмасини мажбуран, интизомий жазо қўллаш таҳдиди билан бажартириб келаётганликда айбланган.

Суд Б.ни айбли деб топишда Соғлиқни сақлаш вазирининг 1994 йил 20 декабрдаги 575-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Республика, вилоят, туман, шаҳар поликлиникаси бўлимларининг постдаги ҳамшираси ҳақида”ги Низомга мувофиқ, лаборатория муолажаси учун материал олиш ва лабораторияга олиб бориш пост ҳамширасининг бевосита вазифаси экани;

мазкур Низомга асосан Навоий вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори ҳамда Навоий вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази касаба уюшмаси кўмитаси раиси томонидан 2023 йил 1 августда тасдиқланган Бўлим пост ҳамширасининг лавозим йўриқномасида, Лаборатория таҳлиллари учун беморлардан турли материаллар олиш ва лабораторияга олиб бориш бўлим пост ҳамширасининг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатилгани;

бундай вазиятда Б. раҳбар сифатида пост ҳамширасига юклатилган вазифасини бажаришини талаб қилиши ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил қилмаслигини эътибордан четда қолдирган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 13 майдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Б. нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-2101-2202/7200-сонли иш*

**Масъул ходимнинг хатоси туфайли асоссиз маъмурий жавобгарликка тортилган чет эл фуқаросига оид маъмурий иш тугатилди.**

Жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2024 йил 15 майдаги қарорига асосан, Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 225-моддасининг 8-қисми билан кейинчалик кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 18 майдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарори билан Х. чет эл фуқароси бўлгани ҳолда муқаддам ушбу ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланидиганидан ўзига

тегишли хулоса чиқармасдан, такроран Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сонли қарори 10-банди билан вақтинча рўйхатга олиш чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириб келганларидан кейин уч иш куни давомида “E-mehmon” дастури орқали ёки ҳудудий М ва ФРБга мурожаат қилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, шахсни жавобгарликка тортиш учун у белгиланган тартибни қасддан бузгани аниқланиши лозим.

Бироқ, ишда Х. қоидаларни қасддан бузгани аниқланмаган.

Аксинча, ишда аниқланган ҳолатларга қараганда, Х. Ўзбекистонга 30.03.2024 йилда ўзининг бошқа уч нафар шериги билан мутахассис сифатида келган ҳамда Ўзбекистон халқаро аэропортида уларнинг паспортларидаги маълумотлар “E-mehmon” электрон дастурига киритилган.

Бироқ, масъул ходимнинг хатоси билан Х.нинг туғилган санаси электрон дастурга хато киритилгани оқибатида, у ҳақидаги маълумотлар электрон базада кўринмаган.

Бундай вазиятда, Х. ни Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганликда айбли деб топиш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 19 июндаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, Х. нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган ва маъмурий иш тугатилган.

*3-1809-2402/1244-сонли иш*

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 131-моддасида назарда тутилган жавобгарлик шахсининг алкогольли ичимликдан маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги тасдиқланган тақдирда келиб чиқади.**

Жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 2024 йил 15 январдаги қарори билан М. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 131-моддасининг 1-қисми билан 1 йилу 6 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари, яъни 8 500 000 сўм жаримага тортилган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 30 январдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарори билан М. 08.12.2023 йилда “Нексия” русумли автомобилани “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-банди талабини бузган ҳолда, алкоғолли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бошқарган деб топилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 307-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Бироқ, судлар ишни кўриб чиқишда юқорида қайд этилган Қонун талабини бажармаган.

Жумладан, ИИБ ЙҚХБ ЙПХ инспектори расмийлаштирган баённомасида, транспорт воситаси тўхтатиб текширилганида, ҳайдовчи спиртли ичимлик истеъмол қилгани аниқлангани кўрсатилган бўлса-да, иш ҳолатига кўра транспорт воситаси йўлда тўхтатиб текширилмаган, балки транспорт воситаси М. нинг уйини олдида бўлган ва ЙҚХБ ходимлари М. ни уйдан олиб чиқиб текширишган.

Иш ҳужжатларига илова қилинган видео ёзувларда ҳам транспорт воситаси М. нинг уйини олдида тургани ва ЙҚХБ ходимлари М. ни уйдан олиб чиққани акс эттирилган.

Шунингдек, ИИБ ЙҚХБнинг ёзма маълумотида, ЙҚХБ ЙПХ инспекторига бириктирилган “body camera” хотирасида 08.12.2023 йилга тааллуқли видео тасвирлар мавжуд эмаслиги маълум бўлган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 131-моддасида транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, иш материалларида М. нинг транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганини тасдиқловчи бирор-бир далил мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 19 апрелдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, М. нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-1405-2401/3-сонли иш*

**Қўпол процессуал қонунбузилишларга  
йўл қўйилиб тузилган баённомага  
асосланган суд қарорлари бекор  
қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2024 йил 4 январдаги қарори билан С. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 136-моддасининг 1-қисми билан 1 йилу 6 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, яъни 3 400 000 сўм жаримага тортилган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 16 январдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарори билан С. 22.12.2023 йил соат 08:30да Ангрен шаҳри худудида “Ваз-2101” русумли автомашинасини бошқариб кетаётганда ЙҚХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, алкоғолли ичимликдан мастлиги белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтиш таклиф этилганда, спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини тан олиб, тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган деб топилган.

Биринчи инстанция суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларига ҳуқуқий баҳо беришда, ИИБ ЙҚХБ ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштириш жараёнида бир қатор процессуал қонун талаблари бузилганини эътибордан четда қолдирган.

Хусусан, Ангрен шаҳар ИИБ ЙҚХБ ходими:

хизмат вақтида бош кийимсиз ва махсус мобил видеокамера қурилмасисиз мулоқотга киришган;

маъмурий баённомани холислар иштирокида қоғоз шаклида тузмасдан, электрон тартибда расмийлаштирган;

маъмурий баённома расмийлаштиришдан олдин ҳайдовчини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништирмаган;

ҳайдовчини тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортганлиги тўғрисидаги далолатнома тўлдириб, мазмунини ўқиб эшиттирмасдан туриб, холислар иштирокисиз далолатнома расмийлаштирган.

С.га ўзини таништирмаган ҳолда, алкотестер махсус мосламаси ёрдамида текширувдан ўтишни таклиф қилмасдан, унга 3 сутка олдин ичилган вино спиртли ичимлиги ҳам тиббий экспертизада мастлик ҳолатини келтириб чиқаришини айтиб, уни чалғитиб, ўзининг сўзлари билан тушунтириш хати ёздириб олган;

Судлар эса, С.ни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топишда йўл қўйилган процессуал ҳатоларни эътибордан четда қолдирган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 26 апрелдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, С. нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-1104-2302/6605-сонли иш*

**Важлари текширилмасдан асоссиз маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқ деб топилди.**

Жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг 2023 йил 26 декабрдаги қарори билан Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 60-моддасининг 2-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари, яъни 1 650 000 сўм жаримага тортилган.

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 15 январдаги қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, Х. Бойсун туман “Юқори Мачай” маҳалласида жойлашган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда айбли деб топилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Х. ни юқорида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбли деб топишда, унинг важларини ва тақдим этган ҳужжатларни тўлиқ ўрганмасдан ҳамда уларни текшириш чораларини кўрмасдан, биргина иш учун манфаатдор бўлган кадастр ходимини сўроқ қилиш билан кифояланган.

Хусусан, судда кадастр ходими, Х. “Воҳид Дарбанди” фермер хўжалигига қарашли ер майдонидан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келаётгани, у ерга дарахтлар экканини таъкидлаган бўлса, Х. шикоятда “Воҳид Дарбанди” фермер хўжалиги раҳбарининг рухсати билан кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борганини билдирган.

Шунга қарамасдан, суд фермер хўжалиги раҳбарини жалб қилиб, иш ҳолатларига ойдинлик киритиш чораларини кўрмаган.

Тафтиш инстанцияси судида сўралган Б., “Воҳид Дарбанди” фермер хўжалиги раҳбари экани, унга тегишли фермер хўжалик ерлари яйлов учун берилган бўлиб, кўп жойларда геологик қидирув-қазув ишлари амалга оширилгани сабабли қаровсиз қолгани, Х. бундан 2 йил олдин **унинг розилигига асосан** ушбу ерда “яшил макон” дастури бўйича дарахтлар, уларнинг тагига эса “каврак” экиб фойдаланиб келиши ҳақида кўрсатув берган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 11 мартдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Х. нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-1413-2302/4203-сонли иш*

**Жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати**